

Маъруза 2

**Умумий этиология ва
патогенез.**

**Шикастланиш
патофизиологияси**

Профессор Ирискулов Б. У.

ЭТИОЛОГИЯ

- *aitía* — сабаб
- *logos* — таълимот

УМУМИЙ ЭТИОЛОГИЯ

Касаллик сабаби ва келиб чиқишида ахамиятга эга булган шарт-шароитлар хақидаги таълимот.

Касаллик сабаби бу маълум шарт-шароитларда организмга таъсир этган омилнинг касаллик ривожига туртки беришидир.

Касаллик сабаблари хакидаги карашлар пайдо булиши боскичлари

- Аюрведалар (эрамиздан аввалги VI аср);
- Левкипп - детерминизм асосчиси (эрамиздан аввалги IV аср);
- Гиппократ (эрамиздан аввалги 375 йил);
- Аристотель (эрамиздан аввалги 330 йил);
- Клавдий Гален (129-199 йиллар)
- Ибн Сино (980-1023 йиллар)

Этиологик омиллар турлари

- физикавий
- кимёвий
- биологик
- механик
- социал
- индифферент (*патоген омил билан боғлиқликда*)

Этиологик омилнинг патогенлигини белгиловчи курсатгичлар

- гайриоддий табиати;
- микдор жихатдан ортиклиги ёки етишмовчилиги;
- таъсир давомийлиги ва даврийлиги;
- патоген омилнинг полиэтиологик хусусияти.

Касаллик шарт-шароитлари

Касаллик ривожига турки берувчи ёки тускинлик килувчи, хар бир нозологик тур учун специфик хусусиятларни белгиловчи бир ёки бир неча омил.

Ташки шарт-шароитлар

- географик
- климатик
- алиментар
- социал-маиший
- меҳнат шароитлари

Ички шарт-шароитлар

- резистентлик
- конституция тури
- олий нерв фаолияти тури
- жинс
- ёши
- кечирган касалликлари
- наслий хусусиятлари

Этиология теориялари

- монокаузализм (*monos* - бир, *causa* - сабаб);
- конденционализм (*kondicio* - шароит);
- конституционализм
- полиэтиологизм
- психосоматика (фрейдизм)

Патогенез

- *pathos* — азият
 - *genesis* — келиб
- ЧИКИШИ

умумий патогенез

касалликнинг келиб чиқиши,
шаклланиши, кечиши ва
яқунланиш механизмларини
ўрганувчи тиббий таълимот

Патогенетик омиллар

- Рецепторлар ва нерв ўтказувчиларининг таъсирланиши.
- Шикастланган тўқималардан биологик фаол моддалар (гистамин, серотонин, нуклеотидлар ва б.) ажралиб чиқиши.
- Нейроэндокрин тизим томонидан жавоб тариқасида ажратилган гуморал омилларнинг (қўзғалган нерв медиаторлари, глюкокортикоидлар, катехоламинлар) организмга таъсири.

Патогенезнинг асосий қисми қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:


- Асосий қисм---патогенезнинг қолган звенолари бошланиб кетиши учун зарур.
- Патогенезнинг бошқа ҳамма звеноларидан аввал юзага келади.
- Асосий қисм ҳар бир касаллик патогенезининг махсус (специфик) хусусиятларини белгилайди.
- Асосий қисмни ўз вақтида бартараф этиш, патогенезнинг қолган звеноларини йўқолишига олиб келади.

Терапия турлари

- Этиотроп терапия: терапиянинг энг самарадор усули ҳисобланади ва у этиологик омилни йўқотишга қаратилган, лекин одатда этиологик омил таъсири қисқа вақт давом этгани учун бундай терапиянинг имкониятлари чекланган.
- Патогенетик терапия---касаллик патогенезига қаратилган, бу замонавий шароитда асосий усул ҳисобланади. Патогенетик терапия катта аҳамиятга эга, унинг асосий вазифаси патогенезнинг асосий бўғинини ва муҳим омиллари таъсирини йўқотиш ёки камайтириш ҳамда организмдаги компенсатор жараёнларни кучайтириш.
- Симптоматик терапия---патогенезга йўналтирилмай, балки беморни безовта қилаётган симптомларни (масалан, бош оғриғи кўп касалликларда бўлади) йўқотишга йўналтирилган бўлиб, бу патогенезга таъсир қилмайди.

Хавфли халксимон муносабатлар

Гипоксия → гликолизнинг кучайиши → лактат
тупланиши → ацидоз → гликолиз
тормозланиши → энергия танқислиги
→ Na^+ ва K^+ насоси фаолияти бузилиши
→ хужайра шиши → капиллярлар эзилиши
→ аъзо перфузияси бузилиши



Хужайра

*Термин 1665 йилда Роберт Гук томонидан таклиф
этилган*

Организмнинг
структуравий ва
функционал бирлиги

Цитология тарихи

- Хужайра теорияси - Ламарк, 1809; Дютроше, 1824; Шлейден, 1838; Шванн, 1839.
- Ядронинг очилиши – Броун, 1831.
- Цитоплазма таркиби – Дюжарден, Штульце, Пуркинъе.
- Амитоз – Ремарк, 1878.
- Митоз – Шлейхер, Флемминг, 1880.
- Хромосомалар очилиши – Вальдейер, 1890.
- Патологияда хужайравий назария – Вирхов, 1858.

Хужайра турлари

- Эукариот - нормал ядроли;
- Прокариот – ядро моддаси протоплазма билан аралашган.

Хужайра фаолиятини белгилловчи асосий тушунчалар

- Гомеостаз
- Адаптация
- Некроз
- Апоптоз

Хужайра шикастланишининг асосий кўринишлари

- Плазматик мембраналар шикастланиши
- Хужайра энергетик таъминоти бузилиши
- Хужайрадаги сув ва ионлар дисбаланси
- Геном ва генлар эксперессияси механизмлари бузилиши
- Хужайра фаолиятини бошқарув механизмларининг бузилиши

Плазматик мембраналар шикастланиши турлари

- Эркин радикали ва ЛПО жараёнларининг чекланмаган фаолашуви
- Эркин, лизосомал ва мембранага боғлиқ гидролазалар фаоллигининг ортиши
- Мембрана шикастланган компонентлари кайта тикланишининг тормоzlаниши
- Механик-осмотик таъсуротлар натижасида мембраналарнинг хаддан зиёд чўзилиши ва йиртилиши

Хужайра энергетик таъминоти бузилиши сабаблари

- АТФ синтези ва ресинтези самарадорлигининг камайиши
- АТФ энергияси транспортининг бузилиши
- АТФ энергиясидан фойдаланишнинг бузилиши

Хужайрадаги сув ва ионлар дисбаланси турлари ва сабаблари

- Цитозол ионлари мувозанатининг бузилиши
- Мембраналар аро ионлар балансининг бузилиши
- Хужайра гипер- ва гипогидратацияси

Геном ва генлар эксперессияси механизмлари бузилиши турлари

- Мутациялар
- Патоген генлар дерепрессияси
- Зарур генлар репрессияси
- Трансфекциялар (геномга ёт ДНК кириши)
- Репликация ва репарация нуксонлари
- Митоз ва мейоз нуксонлари
- Транскрипция, процессинг, трансляция ва посттрансляцион модификация жараёнлари нуксонлари

Хужайра фаолиятини бошқарув механизмлари бузилиши сабаблари

- Бошқарув омиллари рецепцияси ўзгаришлари
- Хос бўлмаган воситачилар пайдо бўлиши
- Хужайрадаги метаболик жараёнлар издан чиқиши

Хужайра шикастланиши мезонлари

- Хужайра ташкарисида АТФ ва ДНК пайдо бўлиши
- Гиперкалийемия
- Хужайра ичидаги ферментлар микдорининг ортиши

Хужайра шикастланишидаги носпецифик ўзгаришлар

- Ацидоз
- Гиперосмия
- Вакуолизация